



CASES WHICH ARE REQUIRED TO BE PROVEN IN CRIMES RELATED TO ILLEGAL TRAFFICKING IN STRONG AND NEW TYPES OF DRUGS

Tulqin Khatamov

Lieutenant Colonel

*Current reserve of personnel of the Ministry of Internal Affairs
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: circumstances to be proven, inspection, evidence, suspect, interrogation, search, strong-acting substances, psychotropic substances, narcotics, internet, digital evidence.

Received: 31.03.25

Accepted: 02.04.25

Published: 04.04.25

Abstract: This article examines and analyzes the circumstances that must be proven in crimes related to the illegal trafficking of powerful and new types of narcotic drugs, pre-investigation inspection and investigation methods, the circumstances that are considered at these stages, and evidence collection techniques.

КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ВА ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИНИ ЯНГИ ТУРЛАРИНИ НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРДА ИСБОТЛАНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР

Тўлқин Хатамов

подполковник

*Ички ишлар вазирлиги кадрларининг амалдаги заҳираси
Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, кўздан кечириш, далил, гумон қилинувчи, сўроқ қилиш, тинтуб, кучли таъсир қилувчи моддалар, психотроп моддалар, гиёхвандлик воситалар, интернет, рақамли далил.

Аннотация: Мазкур мақолада кучли таъсир қилувчи ва гиёхвандлик воситаларини янги турларини ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, терговга қадар текширув ва тергов услуглари, бу босқичларни эътибор қаратиладиган ҳолатлар ҳамда далиллар тўплаш методикалари ўрганиб таҳлил қилинган.

**СЛУЧАИ, КОТОРЫЕ НЕОБХОДИМО ДОКАЗЫВАТЬ ПО ПРЕСТУПЛЕНИЯМ,
СВЯЗАННЫМ С НЕЗАКОННЫМ ОБОРОТОМ СИЛЬНОДЕЙСТВУЮЩИХ И
НОВЫХ ВИДОВ НАРКОТИКОВ**

Тулкин Хатамов

подполковник

Действующий резерв кадров МВД

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: обстоятельства, подлежащие доказыванию, экспертиза, доказательства, подозреваемый, допрос, обыск, сильнодействующие вещества, психотропные вещества, наркотики, интернет, цифровые доказательства.

Аннотация: В статье рассматриваются и анализируются обстоятельства, подлежащие доказыванию по преступлениям, связанным с незаконным оборотом сильнодействующих и новых видов наркотических средств, методы доследственной проверки и расследования, обстоятельства, которые учитываются на этих стадиях, а также методы сбора доказательств.

Мамлакатимизнинг ҳозирги вақтда баркамол авлодни тарбиялаш, уларга эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи сифатида ишонч билдириш, шунингдек уларнинг ҳаётда, шу жумладан, жамиятда тинчлик ва осойишталиктни, жамоат тартибини сақлаш, ҳар қандай кўринишдаги хуқуқбузарликларга қарши курашда фаол иштирок этишини таъминлаш қанчалик долзарб вазифа эканлиги барчамизга маълум бўлса-да, бироқ мамлакатда ёшлар учун шундай шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берилаётганига қарамасдан, улар орасида носоғлом муҳит таъсирига тушиб қолаётган ёшларимиз ҳам учраб турмоқда. Айниқса ёшлар орасида кенг авж олиб бораётган гиёҳванд ва психотроп моддаларни истеъмол қилиш, унинг таъсирига тушиб қолиш ҳолатлари жуда аянчли ҳолатdir.

Гиёҳвандлик балосига қарши курашишда юртимизда мустаҳкам хуқуқий асослар ишлаб чиқилиб, гиёҳванд моддалар савдоси ва истеъмолига қарши кескин чоралар кўрилаётган бўлса-да, ҳанузгача гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши энг хатарли ва долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. "Гиёҳфуруушлар янги усул ва найрангларни қўллаб, захри қотилни сотиш ҳаракатларини давом эттиришмоқда. Улар манфур мақсадларини амалга ошириш йўлида ҳали дунёқараши шаклланмаган, ўзгалар таъсирига тушиб қолишга мойил ёшлар умрига зомин бўлишмоқда."

Йилдан-йилга кучли таъсир қилувчи ва гиёҳвандлик воситаларини янги турлари ва уларнинг аналогларининг ноқонуний айланиши муаммоси долзарблиги ортиб бормоқда. Бу жамиятнинг жисмоний ва маънавий саломатлигига путур етказувчи, ижтимоий вазият ва иқтисодиётни ҳам дунёда, ҳам мамлакатимизда бекарорлаштирувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Кучли таъсир қилувчи ва гиёҳвандлик воситаларининг қонунга хилоф равища муомаласи учун жиноий жавобгарлик белгиланганлиги туфайли бу турдаги жиноят ишларини тергов қилишда аниқланиши керак бўлган ҳолатлар ушбу турдаги жиноят ишини тергов қилишда далиллар базасининг хусусиятларини мустаҳкамлаш учун катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жиноятларни тергов қилишда исботланиши керак бўлган ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 82-моддасида келтирилган.

Мазкур моддада қайд этилганлардан ташқари, жиноят содир этилишига ёрдам берган ҳолатларни ҳам аниқланиши терговни самарадорлигини ошириб, терговни тўлалигини таъминланишига хизмат қиласди.

Кучли таъсир қилувчи ва гиёҳвандлик воситаларининг янги турларини қонунга хилоф равища муомаласи билан боғлиқ жиноятлар учун белгиланиши керак бўлган жиноятлар доираси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларида ўз аксини топган.

Жиноятларни тергов қилишда кўпинча юридик аҳамиятга эга бўлмаган ва шунга мос равища исботланиши керак бўлмаган ҳолатларни аниқлаш керак бўлади. Бу ҳолатларни аниқлаш муваффақиятли тергов учун муҳимдир. Мисол учун, гувоҳнинг шахси ҳақида тавсифловчи маълумот бўлмаса ва унинг гумон қилинувчи билан муносабати, бу гувоҳ билан қандай сўроқ қилиш тактикасини қўллашни аниқлаш қийин бўлади. Бошқача қилиб айтганда, жиноят ишини муваффақиятли тергов қилиш учун аниқланиши керак бўлган, аммо исботлаш предметига кирмайдиган айrim ҳолатлар ҳам мавжуд. Кўриниб турибдики, исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар тушунчаси ва мазмуни жиноятларнинг алоҳида турлари ва гурухларини тергов қилиш методологиясининг умумий қоидаларининг жуда муҳим элементлари ҳисобланади.

“Хукуқни қўллашнинг умумлаштирилган амалиёти кучли таъсир қилувчи ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятлар билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилишда катта аҳамиятга эга бўлган ва исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг айrim гурухларини аниқлаш имконини беради”.

Биринчи гурухларга гиёҳвандлик воситаларини олиш, сақлаш, ташиш, тайёрлаш, қайта ишлаш, ишлаб чиқариш, сотиш ва жўнатиш усуллари киради. Бу изларни қидириш воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш, гувоҳларни сўроқ қилиш, гумон қилинувчи шахсларни сўроқ қилиш ва сўроқ қилиш, тинтув, олиб қўйиш, олиб қўйилган ашёлар ва хужжатларни текшириш ва ҳоказолар орқали амалга оширилади.

Жиноят содир этиш ва уни яшириш усуллари тўғрисидаги кўрсатувлар экспертиза ўтказиш, бошқа судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқланади.

Исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг навбатдаги гурухи жиноий фаолиятнинг барча эпизодлари содир этилган вақт ва жой бўлиб, улар жиноий фаолиятнинг содир бўлган вақтига қараб, турли вақт чегаралари билан, соатлардан ойларгача ёки ҳатто йилларгача белгиланиши мумкин.

Кўриб чиқилаётган жиноят ишлари бўйича тергов жараёнида барча жиноий операциялар ўтказиладиган жой ва вақтни аниқлаш кўпинча кўкнори ёки каноп етиштирувчи фуқаролардан харидорларга, опий ёки гашиш ишлаб чиқарувчиларга, сотувчиларга, тарқатувчиларга, истеъмолчига узоқ йўл билан боғлик хусусият билан тавсифланади. Бу йўл нафақат гиёхванд моддаларни, балки пул, қимматбаҳо буюмлар ва қуролларни ҳам ўз ичига олади. Буларнинг барчаси турли хил эпизодларга олиб келади, уларнинг ҳар бири маълум бир жойда ва вақтда содир бўлиши мумкин эди.

Шунингдек, исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар гуруҳидан бири гиёхвандлик воситаларининг тури, уларнинг номи, жиноий операциялар содир этилган гиёхвандлик воситаларининг микдори ва тахминий нархидир.

Ушбу ҳолатларнинг аниқланиши айбланувчининг ўзини, унинг жиноий гурухи фаолиятининг бутун доирасини баҳолашга ёрдам беради, шунингдек, хомашё, ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр дори воситалари, уларни этказиб бериш ва тарқатиш каналлари қаердан келганлигини аниқлаш имконини беради.

Кучли таъсир қилувчи ёки гиёхвандлик воситаларининг тури ва номи биринчи навбатда тезкор экспресс-тахлил, сўнгра ушбу тоифадаги ишларни тергов қилишда мажбурий бўлган гиёхвандлик воситаларининг судга оид экспертизалар ёрдамида аниқланади. Гиёхванд моддалар микдорини исботлаш билан вазият анча мураккаб бўлиб, бунинг бир қанча сабаблари мавжуд, яъни ҳамма вазиятларда ҳам талаб джаражасидаги аниқ электрон тарозилардан фойдаланишининг имкони мавжуд бўлмайи. Шу сабабли, терговнинг дастлабки босқичида турли хил шкалалар қўлланилади: тижорат, майший ва бошқалар. Кейинчалик, экспертиза пайтида, ашёвий далилларни текшириш вақтида модданинг массаси ўзгариши мумкин. Бундан ташқари, ўсимлик моддалари сақланган шароитга қараб нам бўлиши ва қуриб кетиши мумкин ҳамда бу ҳолат массага ҳам таъсир қиласи. Гиёхванд моддаларни сотиб олиш ва сотишда унинг микдорини аниқлаш бу жиноятни квалификация қилишга таъсир қилганлиги сабабли бунга алоҳида синчковлик билан эътибор қаратиш лозим.

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сонли қарори билан тасдиқланган рўйхатларга киритилган гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар билан қонунга хилоф равища муомала қилганда маъмурий ва жиноий жавобгарлик келиб чиқади. Мазкур қарорга Вазирлар Маҳкамасининг

2018 йил 27 октябрдаги 878-сонли қарори билан ўзгартеришлар киритилган. Ушбу қарорда республикамиз худудида муомаласи таъқиқланган гиёхвандлик воситалари, республикамиз худудида муомаласи чекланган гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорларнинг 3 хил даражаги миқдорлари, яъни *кўп бўлмаган, озгинадан кўп ва кўп миқдорлари белгиланган*”. Шунга кўра, Жиноят кодекси билан гиёхвандлик воситалари ва прекурсорлар билан бир қаторда гиёхвандлик воситаларининг аналоглари билан боғлиқ жиноятлар ҳам таъқиб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг “Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равища муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2017 йил 28 апрелдаги 12-сон қарори қабул қилинган бўлиб, гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равища муомала қилишга оид жиноят ишларини кўришда қонунлар тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш, мазкур тоифа ишлар бўйича одил судлов сифатини оширишга хизмат қилиб келмоқда.

Хусусан, бу борадаги қонун нормалари юзасидан аниқ ва бир хил суд амалиётини қўллаш бўйича тушунтиришлар берилган. Масалан, шахснинг гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равища ўтказиш учун ЖК 273-моддасининг тегишли қисми билан жавобгарлик уларнинг миқдори билан боғлиқ ҳолда келиб чиқади.

Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни сотиши усулида қўп миқдорда ўтказиш уларни ўтказишнинг энг ижтимоий хавфли кўриниши ҳисобланиши туфайли, мазкур қилмиш ЖК 273-моддасининг бешинчи қисми билан квалификация қилиниши лозим. Мазкур восита ёки моддаларни қўп миқдорда бошқа барча усулларда ўтказиш ЖК 273-моддасининг бошқа тегишли қисми билан жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлади.

“Айбор томонидан гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларнинг фақат бир қисми ўтказилиб, қолган қисми кейинчалик суриштирув ёки дастлабки тергов давомида аниқланса, жавобгарлик қонунга хилоф равища ўтказиш ва қонунга хилоф равища сақлаш учун алоҳида-алоҳида (агар мазкур восита ва моддаларни ўтказишга нисбатан қасд аниқланмаган бўлса), уларнинг миқдорига боғлиқ равища келиб чиқади”.

Исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг яна бири жиноий гурух иштирокчиларининг сони ва уларнинг ҳар бирининг жиноий фаолиятдаги ролидир. Терговда жиноий гурух иштирокчилари ва уларнинг ҳар бирининг ролини аниқлаш мухим ўрин тутади. Жиноий гурухларнинг табакалари ва улар аъзоларининг тор доирадаги

роллари тезкор ходимлар ёрдамида гурухда иштирок этиш ва айрим шахсларнинг аниқ харакатларига оид далилларни тўплашга ёрдам беради.

Исботланиши лозим бўлган навбатдаги жуда муҳим ҳолатлар гиёҳвандлик воситаларининг кириб келиш ва тарқатиш каналлари ҳисобланади. Қабул қилиш каналлари ҳақидаги далиллар ёрдамида жиноий гурух иштирокчиларини аниқлаш ва ҳали аниқланмаган жиноятларни очиш мумкин. Ушбу йўналишда иш олиб боришда, хусусан, кучли таъсир қилувчи ва гиёҳвандлик воситалари билан таъминлаш каналини ўрганишда терговчи нафақат сўроқлар, балки барча турдаги экспертизаларни ўтказиш билан ҳам амалга ошириши лозим. (масалан, олиб қўйилган гиёҳвандлик воситалари партиялари бошқа ҳудудда ўсадиган гиёҳвандлик ўсимликларидан тайёрланганми ёки йўқми деган масалага ойдинлик киритиш учун). Кучли таъсир қилувчи ва гиёҳвандлик воситаларини тарқатишнинг маълум каналларини текшириш алоҳида тарқатувчиларни, шунингдек уларни тарқатувчи жиноий гуруҳларни қидириш орқали амалга оширилади. Уюшган гуруҳларни фош қилиш одатда истеъмолчиларни, яъни гиёҳвандларни аниқлашдан бошланади. Бунинг учун терговчи тарқатишнинг каналлари, усуслари ва хусусиятлари, тарқатишда иштирок этувчи гуруҳлар ва бу гуруҳларнинг алоқалари ҳақидаги маълумотлардан фаол фойдаланади. Гиёҳванд моддаларнинг кўп микдорда топилиши, гиёҳвандлик воситаларининг кўплаб майда бўлакларга бўлиниши, гиёҳванд моддаларни ўзлари ишлатмайдиган шахслар томонидан сотиб олиниши, катта микдордаги пул маблағларининг аниқланиши, гиёҳванд моддалар савдоси билан боғлик судланганлик ҳолатлари гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши содир бўлаётганини кўрсатувчи белгилардир. Бундан ташқари, терговчи олдида муҳим вазифа турибди: гумонланувчининг ҳаракатлари гиёҳванд моддаларни сотишга қаратилганлигини текшириш. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун у гумон қилинувчилар ва гувоҳларни сўроқ қиласи, сотиш мақсадини кўрсатиши мумкин бўлган ашёвий далилларнинг микдори ва сифатини баҳолайди.

Исботланиши лозим бўлган энг муҳим ҳолатлардан бири гумон қилинувчининг жиноят содир этишдаги айби, уни содир этиш сабаблари ва хатти-ҳаракатининг мақсади (масалан, сотиш мақсади), ҳимоя қилишнинг мумкин бўлган вариантларини текширишdir.

Тергов жараёнида шахс ўз ҳаракатларининг қонунга хилофлиги тўғрисида билганлиги, улар кучли таъсир қилувчи ва гиёҳванд моддалар билан содир этилганлигини тушунганлиги ва тарқатиш мақсадига эга эканлигини текшириш ва исботлаш керак. Гумонланувчилар кўпинча ўз кўрсатмаларида гиёҳванд моддалар ўзи униб чиққанлигини, улар ушбу моддани биринчи марта кўраётганликлари ва унинг гиёҳвандлик моддаси эканлигини ва қаердан келганини билмаганликлари, ўзлари ҳеч қачон гиёҳванд моддаларни

истеъмол қилмаганликлари, гумонланувчи яқинда кўчадан ўрамни топиб олгани ва у ҳисбга олингунга қадар унинг ичида нима борлигини аниқлашга ҳам улгурмаганлигини ва ҳоказоларни айтадилар. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, гумон қилинувчини ҳимоя қилиши мумкин бўлган вариантларини ўз вақтида ўйлаб кўриши ва уларни ҳам тезкор, ҳам тергов йўли билан текшириш мақсадга мувофиқдир.

Айбланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар каби ҳолатлар унинг қариндошлари, танишлари, қўшнилари, ишдаги ҳамкасларини сўроқ қилиш орқали аниқланиши мумкин; судланганлик ва маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотлар юзасидан ички ишлар бошқармасининг ахборот марказларига сўров юбориш орқали; агар айбланувчи илгари судланган бўлса, хукмларнинг нусхаларини сўраш, тиббий муассасалардан олинган маълумотлар (хусусан, гиёҳвандлик клиникасидан).

Кучли таъсир қилувчи ва гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилиш чоғида айбланувчининг ҳаракатларида бошқа жиноят белгиларининг мавжудлиги ёки йўқлиги, агар мавжуд бўлса, қайсилари, хусусан, кўриб чиқилаётган моддадаги жиноятнинг оғирлик даражаси, унинг хатти-ҳаракатларида жиноий жавобгарлиқдан озод қилувчи, жавобгарликни енгиллаштирадиган ёки оғирлаштирадиган ҳолатларни, шунингдек, жиноят содир этилишига ёрдам берган сабаблар ва шарт-шароитлар каби ҳолатлар аниқланиши керак. “Жиноят ишларини юритишида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашлари шарт”. Шу сабабли терговчи жиноят иши бўйича терговни якунлашда жиноят содир этилишига сабаб бўлган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тегишли муассасага тақдимнома киритади.

Россия федерациясидаги олим Р.Х.Кушихов юқоридаги ҳолатларни аниқланиши керак бўлган, аммо исботлаш предметига кирмайдиган ҳолат сифатида ўрганган, лекин бизнинг фикримизча бу ҳолатларнинг барчаси исботланиши лозим бўлган ҳолат бўлиб, чунки юқоридаги ҳар ҳолат гумон қилинувчини айбини исботлаш учун муҳим ҳисобланади ҳамда уларни тергов йўли билан текширмай, аниқлик киритмай туриб терговнинг тўлалигини таъминлашнинг имкони мавжуд эмас.

Бундан ташқари, ахборот технологиялари ривожланган бугунги кунда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмаси, халқаро терроризм, қурол-яроқ савдоси ва бошқа шу каби жиноятларни содир этишда интернет тармоқларидан фойдаланиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда. “Маълумотларга кўра, АҚШ, Европа Иттифоқи давлатлари, Украина, Россия ва Беларусь Республикасида гиёҳвандлик воситалари савдосининг салмоқли қисми айнан интернет тармоқлари орқали амалга оширилмоқда.”

Бизнинг фикримизча бундай жиноятларни тергов қилиши учун рақамли изларни таҳлил қилиши учун маҳсус дастурлардан, шунингдек кибер тергов усулиларидан, фойдаланувчиларни аниқлашдан фойдаланиб, ушибу йўллар орқали даил тўплашлари;

-рақамли далилларни қидириши, ижтимоий тармоқлардаги сұхбатлар, электрон почта хабарлари, фотосуратлар, видеолар, сұхбат ёзувлари ва форумлар таҳлил қилиши мақсадида бунда фойдаланилган қурилмаларни (мобил телефонлар, компьютерлар, планшетлар) олиб қўйиши чораларини кўришилари.

-тармоқ трафигини кузатиши, маълумотлар алмашинишини таҳлил қилиши ва жиноятчилар фойдаланадиган IP-манзилларни кузатиши бўйича тегишли чоратадбирларини белгилашлари.

-юқоридаги вазифаларни амалга ошириши учун малакали мутахассисларни жалб қилиши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Н.Ч.Қаюмов “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равища муюмала қилиш жиноятларининг ўзига хос хусусиятлари” Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies (CARJIS) ISSN (online): 2181-2454

2. Р.Х.Кушхов. “Обстоятельства, подлежащие установлению, при расследовании преступлений, связанных с незаконным оборотом наркотиков” Пробелы в российском законодательстве 3'2017

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сонли қарорига 4-7-иловалар.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равища муюмала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2017 йил 28 апрелдаги 12-сон қарорининг 21-банди.

5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 296-моддаси. 1994 йил 22 сентябрь.

6. Ш.Ахмедов. “Интернет тармоқлари орқали гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасини аниқлаш ва фош этиш борасида назарий мулоҳазалар” EURASIAN JOURNAL OF TECHNOLOGY AND INNOVATION Innovative. Academy Research Support Center.31th January 2024